

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa
2021

Editorial Team

Editor-in-chief: *Gontarenko N.*

EDITORIAL COLLEGE:

W. Okulicz-Kozaryn, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

L. Nechaeva, *PhD, PNPU Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

K. Fedorova, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

ARCHIVING

Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](#) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.

PLAGIARISM POLICY

The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.

About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N (info@ejournals.id). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

**БАДИЙ АСАР ПЕРСОНАЖЛАРИНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ТИКЛАШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ
(Э. Л. Войничнинг “Сўна” романининг рус ва ўзбек тиллари таржимаси мисолида)**

**Расулов Нормурод Атакулович,
СамдЧТИ катта ўқитувчиси**

Аннотация. Об особенностях воссоздании художественных персонажей в переводе (на примере перевода на русский и узбекский языки произведения Э. Л. Войнич «Овод»). В статье рассматривается создание художественного персонажа в произведениях, переведённых с английского на русский и узбекский языки. Автор намерен показать передачу таких особенностей персонажа как речь, поведение, характер при переводе.

Abstract. On the peculiarities of recreating artistic characters in translation (on the example of the translation of the novel “The Gadfly” by E. L. Voynich into Russian and Uzbek). The article discusses the interpretation of the artistic characters in the literary translation from English into Russian and Uzbek. The author aims to show transferring of some peculiarities of the literary heroes such as expressive speech, behavior, character, manner in practical translation.

Калим сўзлар: таржима санъати, персонаж, асар қаҳрамони, бадий образ, сўзма-сўз таржима, бадий таржимада бўёқдорлик, ҳижжалаб ўгириш, бевосита ва билвосита таржима.

Таржима нафис санъат бўлиб, у таржимонлардан реалистик таржима принципларидан тўла хабардор бўлишни ва таржима устида қунт билан ижодий меҳнат қилишни талаб этади [1, 263]. Дарвоқе, таржима назариясининг стилистик масалаларига мансуб бўлган лексик ва фразеологик бирликлар таржимаси ҳақида гап кетганда унинг катта амалий аҳамиятга эгалиги барча таржимонлар томонидан бирдек таъкидланадиган муаммолардандир. Шундай экан, бадий асар ёзувчиси томонидан қўлланиладиган ҳар бир компонентни ўгиришда мутаржимдан катта маҳорат, устамонлик талаб этилади. Акс ҳолда, “сифати ҳаминқадар маҳсулот” чиқарилиши билан бир қаторда, бадий асар персонажининг қайта яратилиши ҳам ўзига яраша даражага “эга бўлиб қолади”. Унинг маънавий қиёфаси, рухий дунёси, ички ҳис-туйғуларини бекам-кўст очиб беришда жузъий камчиликларга йўл қўйилиши турган гап.

Инглиз ёзувчиси Э. Л. Войничнинг “Сўна” романининг рус ва ўзбек тилларига ўтирилган нусхаларида персонаж ҳамда тимсолларнинг китобхон наздида қандай талқин этилиши мутаржимнинг ижодий саъй-харакати салмоғини белгилайди.

Асарнинг иккинчи қисми иккинчи бобида Чезаренинг якшанба кунлари баъзан “иш тўғрисида гаплашиш учун” эрталаб Жемманинг олдига кириб ўтиши хикоя қилинади. Уларнинг ўзаро сухбати давомида асар қаҳрамони Риварес ҳақида сўз очилиб қолгудек бўлса, унинг иезуитларга қарши кампания бошлашга кўнинкани, шунингдек, Бразилия конларида ҳиссаси борлиги тилга олинади. Чезаре:

“... Риварес Грассинининг ўзига нисбатан шундай муносабатда эканидан бехабар бўлса ҳам керак, ҳа деяверинг. Лекин, пайқаб олиши мумкин, у ер тагида илон қимирласа сезадиган киши” [2, 92].



Шубҳасиз, мазкур жумлалар орқали китобхон Риварес образининг синчковлигини, зийрак шахс эканлигини қўлланилган ибора ёрдамида яққол англаб етишга асос бўла олади. Мазкур иборани “биринчи таржима тили” – рус тилида мутолаа қиласар экансиз, ўхшатишнинг соддагина “он человек сообразительный” ҳолатида ўғирилганига кўзингиз тушади. Чунончи,

“... *Rivarès ne подозревает, как к нему относится Grassini. A мог бы догощаться – он человек сообразительный*” [3, 80]

Табиийки, мутаржим Мирзакалон Исмоилийнинг содда ифодадорликдан узоқлашгани, асарга бадиий бўёқдорлик “бахшида” эта олиши ўзбек китобхонини ром этмай қолмайди.

Романинг асл тили - инглиз тилида ҳам Риваресга нисбатан қўлланилган таърифнинг оддигина “*he's sharp enough*” тарзида келтирилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

“... *You may be sure Rivarez has heard nothing of Grassini's disapproval. He may have guessed it, though; he's sharp enough*” [4, 105]

Жемма ҳамда Чезаре янги сатирик – Риварес ҳақида фикрлашар экан, унинг оддий хотинларни тушида жовлитадиган одам, ўзига хос профессионал, аччиқ тилили асқиябоз каби талай персонаж хусусиятларини тилга олишади.

Чезаре сатирик Ривареснинг Бразилия конларида ҳиссаси борлиги, бундан ташқари Париж билан Венада фельветончилик қилиб жуда катта муваффақият қозонганини таъкидлар экан, “*у ками беш-олтита тилни билар экан, билганда ҳам сиқиб сувини ичиб юборган*” [2, 94] деб қистириб ўтади.

Инглиз тилидаги “*at one's fingertips*” бирикмаси “*instantly or readily available*” [merriam-webster.com] маъносини англатишини инобатга олсан, оригинал нусхада ҳам қаҳрамон Риваресга нисбатан қўлланилган ташбехнинг стилистик нуқтаи назардан бўёқдор эмаслиги кўзга ташланади:

“... *and then he has been immensely successful as a feuilleton writer in Paris and Vienna and London. He seems to have half a dozen languages at his finger tips*” [4, 107]

Инчунин, асар билвосита таржима қилинган бўлишига қарамасдан, унинг рус тили вариантида ҳам “*билганда ҳам сиқиб сувини ичиб юборган*” иборасига эквивалент учратмаймиз:

“*Он, кажется, владеет в совершенстве по крайней мере пятью-шестью языками, и ему ничто не помешает*” [3, 82].

Мирзакалон Исмоилий таржима юмушининг барча имкониятларидан самарали фойдаланиши натижасида асар қаҳрамонини зукко, билимли персонаж сифатида юзага чиқаришга маваффақ бўла олган. Ўзбек тили нусхасида Чезаре тилидан олинган мазкур жумла ўқувчи шуурида нақадар тўлақонли тасвирланишини пайқаш мушкул эмас:

“*Ками беш-олтита тилни билар экан, билганда ҳам сиқиб сувини ичиб юборган дейшишади*” [2, 94].

Таржимон бадиий асар муаллифи яратган характернинг барча белгилари, булар улуғвор ёхуд тубан мақсадларни акс эттирадими, мукаддас ёки жирканч ниятлардан дарак берадими – барибир, образга хос бўлган майда-чуйда деталларгача ҳаммасини тўғри ва тўла-тўқис тиклаши лозим. Бадиий образнинг ҳатто бирон “*зигирдай*” хусусиятини ташлаб кетиш ёки йўқотиш унинг нотўғри талқин қилиниши, ё бўлмаса сохта тасвирланишига сабаб бўлиши мумкин [5, 240]. Буни ўзи учун дастуруламал сифатида билган мутаржим бадиий образга хос бўлган майда-чуйда деталларгача барчасини тўғри ва тўла-тўқис тиклашга уринади.



Асарда Грассини Жеммани кўрганда совуқ юзига жон кириши тасвирангган. Аслида у Жеммани ёқтирмас ва ундан бироз ҳайиқар, лекин, Жемма бўлмаса меҳмондорчилиги ўз малоҳатини анчагина йўқотиб қўйишига ақли етар эди. Унинг ишлари яхши борарди, касб-корида юқори кўтарилиб, давлат ва шуҳрат топди. Мана энди ўз уйини интеллигент ва либерал жамият марказига айлантириш фикрига тушиб қолди. У ёшлигиде нодонлик қилиб уйланиб қўйган ана шу басти кичик сатанг хотини бемаъни валаклашларини ва сўлиб бораётган чехраси билан каттакон бир адабий даргоҳнинг бекаси бўлишга ярамаганлигини сезиб юраги ачишарди. Шунинг учун Жемма келди дегунча, ўтириш муваффакиятли ўтади деб кўнгли таскин топарди.

Тубандаги жумлада персонаж Жемманинг характеристига чизгилар келтирилади. Бу орқали рус ва ўзбек китобхони онгу шуурида ҳам персонаж характеристи асл тилдагидек намоён бўлади, дейишга ҳақлимиз. Жумла инглиз тилида қуидагича баён этилади:

“Her quiet graciousness of manner set the guests at their ease, and her very presence seemed to lay the spectre of vulgarity which always, in his imagination, haunted the house” [4, 109]

Персонаж характеристи билан боғлиқ сифатларни рус тилида ўқиймиз:

“Спокойные и изящные манеры этой женщины вносили в общество непринужденность, и одно ее присутствие стирало тот налет вульгарности, который, как ему казалось, отличал его дом” [3, 83]

Зеро, оригинал нусхадаги *“quiet graciousness of manner”* ибораси рус тилига *“спокойные и изящные манеры этой женщины”* тарзида мутаносиб ҳолда ағдарилган бўлса, ўзбекчада ҳам *“ўзини оғир ва босиқ тутиши”* каби ўзига мос ифодани *“ўринли топа олган”*.

Парча ўзбек тилида қуидагича жаранглайди:

“Жемманинг ўзини оғир ва босиқ тутиши, одамлар билан чиройли муюмала қилиши мажлисга эркинлик ва соддалик киритар, ўзининг мажлисдалиги эса, Грассинининг назарида, ҳамиша уйидан аримаган бачкана гапларга хотима берар эди” [2, 96].

Ёхуд персонаж Грассини тили орқали қўлланган *“очаровательны”* қисқартма сифатини таржимон М. Исмоилий *“куйдирмажон”* тарзида ширали *“гапиртириш”*га мусассар бўлган:

“- О, бугун бунча ҳам куйдирмажон бўйсиз! – деди у баланд шипши билан, Жемманинг оқ каширий қўйлагини зиқналарча танқидий кўздан кечириб” [2, 96].

Ваҳоланки, рус мутаржими Н. Волжина томонидан ишлатилган *“очаровательный”* сифатининг ўзбек тилида *дилбар, дилрабо, жозибали, жуда гўзал, мафтуна, мафтун қиласиган, фусункор, афсункор, фатонатли, фаттон* [6, 804] каби таржима вариантлари мавжуд. Мазкур синоним сўзлар гурухидан бирини қўллаб ҳам сифатни сўзма-сўз ўтириш мумкин эди, бирор, жумла у қадар маромига етмай қолган бўларди, назаримизда.

Русча вариантида :

“- Как вы сегодня очаровательны! – громким шепотом сказала она, окидывая белое кашировое платье враждебно – критическим взором” [2, 83].

Шунингдек, романнинг асл нусхасида ҳам *“charming”* сифати орқали содда ифодани мутолаа қилиш мумкин:

“How charming you look tonight!” and examining the white viciously critical eyes [4, 109]

Синьора Грассини Жеммани бутун борлиғи билан ёмон күрар, Мартинини мафтун қылган фазилатлари, характеридаги вазмин күч, жиддий, самимий ҳақгүйлиги учун, ақл ва идрокининг бир зайлдалиги учун, ҳатто юз ифодаси учун ҳам ёмон күрар эди.

Айни жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, синьора Грассинининг ички кечинмалари, хиссиётлари орқали унинг ижобий ёки салбий образ эканлигини кузатишга ҳаракат қиласиз:

“And when Signora Grassini hated a woman, she showed it by effusive tenderness” [4, 109]

Рус ҳамда ўзбек китобхони асл тил ўқувчиси сингари синьора Грассинининг бирор бир аёлни бутун борлиғи билан ёмон кўришини кўз ўнгига аниқ гавдалантира олади, десак янглишмаган бўламиз. Пировард натижада ўқувчиларнинг салбий персонажга нисбатан хулоса чиқара олиш кўлами кенгая боради.

Русчада:

“А если синьора Грассини ненавидела женщину, она была с ней подчеркнуто нежна” [3, 83].

Ўзбек тили нусхасида:

“Синьора Грассини бирон аёлни ёмон кўрса, у ёмон кўрганлигини ўша хотинга ортиқча мулозамат қилиши йўли билан билдиради” [2,96].

Жемма бу хил хушомад ва назокатларнинг маъносини яхши билар, шунинг учун ҳам бир қулогидан кирса, иккинчи қулогидан чиқариб юборар эди [2, 96]. Асарнинг асл нусхасидаги ФБда қўлланилган *head* (бош, калла) тана аъзоси таржима тилларига келиб қулоққа “айланган”. Солиширинг.

Русчада:

“Джемма хорошо знала цену всем этим комплиментам и нежностям и пропускала их мимо ушей” [3, 83].

Оригинал нусхада:

“Gemma took the compliments and endearments for what were worth, and troubled her head no more about them” [4, 109].

Таассуфки, ўзбек китобхони асар персонажлари қатори Жемманинг характерини ҳам асл тилда тасвиранган образ сифатида қабул қила олади. Бунда персонажнинг таржимада қайта тикланиши учун турткি бўладиган ҳар қандай сўз, ибора ёхуд сўз бирикмасининг ўринли ишлатилгани муҳим аҳамият касб этади. Модомики, Жемма асарнинг инглиз тили нусхасида “ўзини кераксиз маълумотлар учун уринтирмас экан”, ўзбекчада ҳам “бундай маълумот бир қулогидан кириб, иккинчи қулогидан чиқади”.

Хулоса ўрнида, таржимонлар Н. Волжина ҳамда М. Исмоилий томонидан ўгирилган мазкур асарнинг персонажлари асл тилдаги сингари китобхонларда тўлиқ таассурот уйғота олади, деган фикрга келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Иминов А. Таржима ва лексик имкониятлар // Таржима санъати. Мақолалар тўплами. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - 304 б.

2.Войнич Э. Л. Сўна. Русчадан Мирзакалон Исмоилий таржимаси. - Тошкент: 1956. - 311 б.



3. Войнич Э. Л. Овод. Перевод Н. Волжиной. - Т.: Ўқитувчи, 1984. - 272 с.
4. Voynich E. L. The Gadfly. - Moscow: Foreign languages publishing house, 1955. - 335 p.
5. Гуломова Д. Таржимада образ ва характерни қайта яратиш муаммоси // Таржима санъати. Мақолалар тўплами. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - 304 б.
6. Акобиров С. К., Магруфов З. М., Маматов Н. М. и др. Русско-узбекский словарь. В 2-х томах. Том I. - Т.: Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии, 1983. - 808 с.
7. Раҳимов F. Таржима назарияси ва амалиёти: дарслик-мажмуа. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. - 176 б.
8. Хотамов Н. Т. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик лугат. - Т.: Ўқитувчи, 1969. - 216 б.